



Кейинги икки аср давомида роман жаҳон адабиётида етакчи жанр бўлиб келди, XXI асрга ўтиб хам, у ўша мавкеини асло бой бергани йўқ. Хар бир миллат адабиётининг бўй-бости, даражаси, аввало, шу жанр камолотига караб белгиланади десам, буни хеч ким муболагага йўймайди. Бунинг боиси шундаки, башарият дахоси яратган адабий жанрлар орасида энг универсали, канонларни, миллий чегараларни тан олмайдигани, бетиним янгиланиб, ўзгариб боришга мойили, хамма даврларга, окимларга мослаша оладигани айни шу жанр бўлиб чиқди. Романтизм дейсизми, реализм, соцреализм, неореализм, сюреализм, магик реализм, постреализм дейсизими, модернизм, постмодернизм дейсизми – барча адабий окимларда унинг етук намуналарини топиш мумкин. Бугина эмас, хамма адабий тур – эпик, лирик, драматик шакллар, миф-асотир, ривоят, хикоятлардан тортиб, оғзаки ва ёзма ижоднинг деярли барча кўринишлари, жумладан, ёндош жанрлар – хикоя, новелла, кисса-повесть тажрибаларини, хатто намуналарини ўз багрига бемалол сиддираверди. Унда вакт камрови, хажми, персонажлар сон-саногининг чек-чегараси йўқ. Бир кунлик, хатто бир неча соат, дакикалик воеа асосига курилган, айни пайтда бир асрлик воеаларни камраб олган, бир-икки ёки ўнлаб, юзлаб персонажлари бор яхши романларни ўкигансиз. Бир, икки, уч, тўрт ва ундан ортик китоблардан иборат хиллари борлигини хам яхши биламиз. Унинг худудига публицистика, эссе, тарих, хроника, фалсафа бемалол бостириб кираверади. Роман сатхи хозир урф бўлган плюрализм – фикрлар хилма-хиллигини бадиий ифодалаш, кўп овозли – полифония учун бекиёс майдондир.

У ёгини суриштирсангиз, бугунги кунда жаҳоннинг турли минтакаларида миллиардлаб томошибинларни кечаю кундуз телевизорни каршисида ушлаб турган телесериаллар айни шу роман тажрибалари, романга хос тафаккур, тасаввур хосиласидир, телесериаллар томошаси энг оммавий визуал романхонликнинг ўзгинасидир.

Кискаси, бу жанрнинг имкониятлари чексиз, шунга яраша романнавис бўлиш масъулияти хам бенихоя катта. Романнинг ана шундай бекиёс имкониятларидан фойдалана олиш лаёкатига эга бўлган, унинг захматларига дош бера оладиган, роман юкини елкасида кўтаришга кодир шижаатли, чин истеъдод сохибигина бу жанрда муваффакият козона олади.

Шунинг учун бўлса керак, икки асрдан ошдики, хеч ким, хатто мана мен деган назариячи олимлар хам бу жанрнинг хамма бирдек тан оладиган таърифини бера олгани йўқ, беролмайди хам. Карангки, кейинги икки юз йил давомида жаҳон адабиёти, адабий танкидчилигидаги энг кизгин баҳс-мунозаралар айни шу жанр, унинг намуналари, ижодкорлари теварагида кечган.

Муайян сабабларга кўра, бизда роман кейинрок пайдо бўлди, бундан роппа-роса 90 йил бурун – 1920 йил декабрида ёзиб тутатилган “Ўткан кунлар” билан ўзбек миллий

романчилик мактабига асос солинди. Хомчўт хисоб-китобларга караганда, ўшандан бери бизда “роман” номи остида 500 га якин асар яратилди. Табиийки, уларнинг савия-даражаси турлича. Миллий романчилигимизнинг туғилиш, шаклланиш ва тараккиёт йўлининг 70 йили гоят мураккаб, таҳликали вазиятларда, шўро истибоди адабий сиёсати таъкибу таҳдидлари шароитида кечган бўлишига, машъум сиёсат ижодкорлар тақдирида муайян нохуш асоратлар колдирганига карамай, мўъжизани карангки, ўша кезларда хам, Абдулла Каххор ибораси билан айтганда, бизда Европа адабиёти гази билан ўлчангандан хам тўлаконли, янги жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бўйлаша оладиган асарлар яратилди.

Миллий уйгониш деб аталган улкан тарихий-маънавий жараённинг хосиласи сифатида пайдо бўлган ўзбек романи кўзгусида айни шу жараён – миллат тақдири – кисмати, унинг онги, рухиятидаги долгали силсилалар, халкнинг орзу-армонлари, интилишлари, дарду дунёси, оху зорлари бор бўйича ўз аксини топди, бу мўътабар анъана мустакиллик йилларида хам ўзгача кўринишда давом этиб келяпти.

“Ўткан кунлар”нинг асосий маъно-мундарижаси, пафоси хакида хозирга кадар гоят хилма-хил фикр-мулохазалар айтилди, айтилмоқда. Улар орасида роман асосида ишкий-оилавий можаролар ифодаси-талкини туради, деган караш кенг таркалган. Хатто романнинг немис тилидаги таржимаси “Тошкентлик ошиклар” деб аталиши бежиз эмас. Камина эса, бундай карашни бутунлай инкор этмаган холда, “Ўткан кунлар” романининг маъно-мундарижаси гоят кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий, борингки, ишкий-оилавий муаммолар кўтарилган деган фикрдадир. Улар ичида, менингча, энг муҳими, юртнинг, миллатнинг тақдири, мустакиллиги масаласидир. “Ўткан кунлар” романига кадар хам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин хам XIX асрда миллат тақдири учун хаёт-мамот ахамиятига молик тарихий ходисаларни, ўлканинг мустакилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Кодиричалик чукур, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар яратилмаган. Адиб бу романни оркали тарихимизнинг энг кир, “кора кунлари” – юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги “хон замонлари” хакида сўз очиб, бу аянчли хакикатдан халкка сабок бермокчи бўлган. Асар марказида турган Отабек, Юсуфбек хожи кисмати, рухиятидаги энг кескин, драматик кечинма-холатлар ифодаси айни шу муаммолар билан боғликдир. Ёзувчи калбини ўртаган, уни кўлига калам олишга ундан омиллар, менимча, ана шунда. Бундай даъвонинг тафсилотлари “Кодирий мўъжизаси” китобимда батафсил ёритилган.

“Ўткан кунлар”дан сўнг пайдо бўлган “Кеча ва кундуз”, “Кутлуг кон”, “Сароб”, “Обид кетмон”, “Кўшчинор”ларни эсланг. Бу романларнинг хар бири асар битилган кезлардаги муаллифлар кўнглида кечган оғрик тўла ўй-кечинмалар – асарлар кахрамонларининг драматик, фожиавий кисмати, дарду дунёси, оху зорини айни кўзгудагидек гавдалантириб берганлиги билан кимматлидир. Бу романлар орасида хронологик жихатдан ажиб мантикий силсила, уйгунлик бор. Чунончи, “Кеча ва кундуз” “Ўткан кунлар”нинг давомидек туюлади. Чоризм мустамлакаси халк хаётини асло енгиллаштиrmади, бу даврда жаҳолат ва зулм баттар авж олди. Оилавий ва ижтимоий муносабатлардаги колоклик, кабоҳат ёнига фахш, янги кўринишдаги каллобликлар келиб кўшилди. Бундай иллатлар вахшати романда шафкатсиз бир тарзда кўрсатилди. Айни шу шафкатсиз ходисаларнинг давоми ва вахшати “Кутлуг кон” романидаги муайян даражада интихосини топган. Асар бош кахрамони Йўлчи кишлоқдан нажот истаб шахарга келади-ю, кадам-бакадам хаксизлик, адолатсизлик каърига кира боради,

ниҳоят, кўзи очилиб, ўз шаъни, кадри йўлида, колаверса, сабр косаси тўлиб-тошган жабрдийда оломон химояси, аникроги, миллий озодлик харакати йўлида курбон бўлади. Миллатларга эрк, озодлик ваъда килган Октябрь тўнтаришидан кейинги давр акс этган “Сароб”да миллатнинг хар жихатдан етук, тўқис баҳтга муносиб икки кўркам фарзанди – Саидий билан Мунисхон инкилобий алгов-давлговлар – икки тўлкин кураши гирдобида халок бўладилар. Адид аросатда колган икки ёшнинг маънавий-рухий изтиробларини ўкувчини ларзага соладиган тарзда ифода этади.

Ўтган аср 20-йиллари охири, 30-йиллар бошларида колхозлаштириш деб аталган мамлакат тарихида, кўп сонли дехконлар кисматида оғир асорат колдирган ходисалар хакида давр сиёсатига мос “синфий кураш” ақидаси асосида хайбаракаллачилик руҳида битилган асарлардан тубдан фарқ киларок, “Обид кетмон” ва “Кўшчинор” (“Кўшчинор чироклари” эмас) миллий адабиётимизда янгилик бўлди. Мазкур мавзудаги расмий карашларга мос тушадиган асарлардан фаркли ўларок, бу икки аср ўша мудхиш ходисаларга ўзгача тарзда, кутилмаган томонларидан ёндашилганлиги, оддий одамлар кисмати холис, хакконий ифода этилганлиги билан кимматлидир.

Афсус, бу икки асардан сўнг муайян муддат романчиликдаги миллат кисматидан бахс этиш анъанаси тўхтаб колди. Нихоят, 50-йиллар охирига келиб, “Синчалак” оркали ўша анъана кайта кад ростлади. “Синчалак” билан изма-из яратилган “Уч илдиз”, сўнг бирин-кетин пайдо бўлган “Кора кўзлар”, “Уфқ”, “Чинор”, “Олтин зангламас”, “Диёнат” сингари миллат тақдиридаги мураккаб, чигал ходисалар каламга олинган романлар эл орасида шуҳрат топди. Бора-бора миллат кисмати билан боғлик ходисалар тасвири-талкинидаги танкидий рух кескинлашиб, Саид Ахмаднинг “Жимжитлик”, Мурод Мухаммад Дўстнинг “Лолазор”, Ўткир Хошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, Тогай Муроднинг “Отамдан колган далалар” романларида жамият хаётининг фожиали инкиrozи ифодаси ўз интихосига етди. Жамият ва шахс кисмати талкинида танкидий пафос, инкор рухининг кучайиши оқибатида миллий романчилигимизда модернистик адабиётга хос абсурд туйгуси ва гояси, шахс рухияти таҳлилида эса янгича тамойиллар, “полифония” ва “онг оқими” унсурлари пайдо бўла бошлади. Бу хол танкидчиликда кизгин бахсларга асос бўлди. Дадил айтиш мумкинки, ўзбек романи истиклолдан анча бурун мавжуд тузумнинг антигуманистик моҳияти, инкиrozи, халокатга махкум экани хусусида ўз бадиий хукм-хулосасини чикарди. Ва бу билан ўзбек миллий романчилиги миллат олдидаги тарихий миссиясини адо этиш шарафига мұяссар бўлди.

Яна бир мухим жихат, мустабид тузум таъкибу тазийклари шароитида, тарихий ўтмишимизни нукул гина зулматдан иборат деб аташ урф тусини олган, хар куни “Ким эдик тарихда бизлар, номи йўқ, кашшок, гадо” деган бўхтон ва хакоратдан иборат кўшик сатрлари янграб турган кезлари жаҳон тан олган буюк сиймоларимиз хакидаги “Навоий”, “Улугбек хазинаси”, “Кўхна дунё”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” сингари етук романларнинг яратилиши мислсиз жасорат ва хайратомуз ходисадир. Романчилигимизнинг истиклол давридаги йигирма йиллик тараккиёти, минг афсус, хозирга кадар атрофлича ўрганилгани, муносиб баҳосини олгани йўқ. Назаримда, адабий танкид зиммадаги бош вазифаси – мавжуд роман хирмонини саралашда хийла сусткашлик киляпти.

Истиклол туфайли ижод ахли хам, адабий танкид хам мустабид тузум шароитида шаклланган барча чеклов, тушовлардан халос бўлди, ижодий изланишлар учун кенг йўл очилди. Бошка барча адабий тур, жанрлар каби романнинг мавзу-мундарижа, шакл,

ифода, поэтик кўлами хийла кенгайди; турли-туман адабий-гоявий оким, хилма-хил мафкуравий йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади; бир вактлар менсимай каралган оиласвий-маиший хаёт муаммосига багишлиган сон-саноксиз асарлар битилди; нисбатан суст ривожланган хажвий, фантастик ва саргузашт-детектив романлар бугун китоб жавонларимизни тўлдириб турибди. Улар орасида Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов, Тохир Малик, Хожиакбар Шайхов каби эл тан олган адабларимизнинг етук асарлари хам бор. Тарихий романчилик анъаналарини Мухаммад Али, Эркин Самандар, Асад Дилмуроддек тажрибали адиларимиз изчил давом эттираётирлар. Бевосита баҳс мавзумизга даҳлдор – мамлакат, миллат тарихидаги энг буюк ходиса – истиклол йилларида одамлар хаёти, тақдири, руҳиятида кечган жараёнларнинг роман кўзгусидаги ифодаси масаласига келсак, бу борада хам муайян ютукларимиз бор, азизлар.

Бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш осон кечадиган жараён эмаслигини хаммадан кўра ижод ахли яхши билади, теран хис этади. Шахсан ўзим гувоҳ бўлган ходисаларга, колаверса, ўз тажрибамга таяниб айта оламанки, бу жараён шавки ва оғриклигини, аввало, ижодкорларнинг ўзлари татиб кўрганлар. Чунончи, Шукур Холмирзаевнинг 90-йиллари ёзган эсселари, жумладан, “Адабиёт ўладими?” маколаси, устоз Озод Шарафиддиновнинг “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” бадиаси, шунингдек, каминанинг устозга эргашиб ёзган “Ўтилган йўлнинг баъзи сабоклари” мутолааси чоги бунга ишонч хосил килиш мумкин.

Ўз бошидан кечган, ўзи юракдан хис этган ходисаларни, руҳий жараёнларни ўзгалар, аникроги, асар тимсолларига кўчириш – бадиий ижоднинг гаройиб, сирли-сехрли хилкати. Шукур Холмирзаевнинг истиклолимизнинг дастлабки йилларида замондошлари хакида битилган “Аросат”, “Озодлик” “Куёш-ку фалакда сузиб юрибди...”, “Булут тўсган ой” хикоялари, нихоят, “Динозавр” романи биринчи китобининг дунёга келиш тарихидан кисман хабардорман, уларнинг айримларини муаллиф розилигига кўра кўлёзма холда ўкиганман, эхтимолки, биринчилардан бўлиб улар хакида сўз айтганман, ёзганман.

Баъзи фикрларим тақрор бўлса хам айтай: “Динозавр” романни мавзу-материални, мазмун-мундарижаси жихатидан ўта замонавий асар, унда асар битилган даврнинг нафаси уфуриб туради, мамлакатдаги, жамиятдаги туб бурилиш, бозор иктисадиётига ўтиш жараёнида одамлар хаёти, табиати, руҳияти, тақдирида, ўзаро муносабатларида юз берган ўзгариш, эврилишлар каламга олинади, одамларнинг ўша кезлардаги хаёти-кайфияти бамисоли кўзгуга солиб кўрсатилади. Дадил айтиш мумкинки, ўша туб бурилиш асносида, аввало, адаб калбидаги, колаверса, одамлар руҳиятидаги эврилишлар, уларнинг холат-кайфияти миллий адабиётимизда ilk бор “Динозавр” оркали роман кўзгусида ўз аксини топди.

“Динозавр” муаллифи долзарб мавзууни каламга олган экан, бу билан ўтмишда бўлганидек, ижтимоий жараёнларга шунчаки муносабат билдириш, ниманидир тасдиклаш, улуглаш ёки ниманидир рад этиш, коралашни ўз олдига максад килиб кўйган эмас, балки сўз санъатининг асл табиати, вазифасидан келиб чиккан холда, ана шу туб бурилиш палласида юзага чикаётган инсон жумбоги, аникроги, инсон табиати, руҳиятининг турфа жилвалари, янги кирралари, турли нагмалари, сир-синоати билан кизикади. “Динозавр” романи айни шу жихати билан сизу бизнинг эътиборимизни тортади, бизни асар вокеалари, персонажлар давраси гурунгларининг иштирокчиси, сухбатдошига айлантиради. Роман қаҳрамонлари – кеча мохир актёр саналган Шахлонинг хорижий мамлакатларга катнайдиган тижоратчига, куни кеча таникли “совет

болалар шоири” бўлган Абзал аканинг бугун мутаассиб тақвадорга айланиши, куни кечадан СССР тарихи ўқитувчиси сифатида ёш авлод онгига коммунистик гояларни сингдирган, раҳбар ходим сифатида дахрий ишларга кўл урган Тойировнинг бугун катта фирма очиб “бозор иктисоди” одами, савдогар бўлиб олиши, Жамолиддиннинг оз фурсатда авваллари хатто тасаввур этиш хам мумкин бўлмаган кўламли мулкдор, бизнесмен бўлиб етишиши – бу тур одамлар табиати, рухиятидаги бу кадар кескин ўзгаришлар галати жумбок...

Бирок асарадаги энг катта жумбок – бош каҳрамон Махкам образидир. Махкам хам пок, соддадил, самимий инсон сифатида, хам истеъдодли адиб, мохир тараккийпарвар кинорежиссер сифатида туб бурилиш, ўзгаришлар жараённида янги шароитга мослашолмай, янги “шароит мевалари”ни хазм килолмай кийналади. Йўқ, у истиклол, янгича ижтимоий муносабатлар ракиби эмас, айни пайтда унда эски тузумни кўмсаш кайфияти хам йўқ, аслида, мохият-эътибори билан бу одам мустабид тузум жабрдийдалари тоифасига мансуб: отаси, тогаси, якин одамлари эл-юрт кайгуси билан яшаган зиёли одамлар бўлган; отаси катагонга учраган, Сталин ўлимидан олдин камоқда ўзини осиб кўйган; ўзи эса ижодкор сифатида оғир шароитларда адолат, хакикат учун курашганлар сафида турган. Истиклол туфайли аждодлари, ўз кўнглидаги орзу-ниятлари ушалади. Шундай бўла туриб, нега энди бу одам янги шароитга дархол мослаша олмайди, туб ўзгаришлар мохиятини англашда кийналади. Бутун гап хаётнинг мураккаблигига, асарни асар, образни образ киладиган бадиий жумбок ана шунда! Ахир, янги ижтимоий муносабатларнинг карор топиши осонликча кечмайди, “бозор иктисодига ўтиш” даврида юзага чикаётган мураккаб муносабатларни, давр зиддиятларини Махкам хилидаги одам дархол хазм килиши кийин; айникса, одамларро муносабатларда хамма нарсани хисоб-китоб, пул, шахсий манфаат асосига куриш тамойили карор топа бориши, бу ходиса хатто Махкам оиласига кириб келиши уни кийнокка солади. Хаёт тарзининг ўзгариши билан ижодга муносабат, бадиий ижод, санъат мезонлари хам тубдан ўзгарди. Бугун ижодкор кечаги мезонлар билан иш кўриши мумкин эмас. Махкам сиймосида биз мана шу мураккаб руҳий жараённи юракдан ўтказаётган, ўзи янгиланиш машаккатини бошидан кечираётган ижодкор шахси драмаси, балким фожиасини кўрамиз. Шу тарика каҳрамоннинг изтиробли ўйлари, калб драмаси Шукур Холмирзаев услубига хос бўлган икир-чикирлари, тафсилотлари билан ифодаланади. Махкам ўтиш даври зиддиятларини хам содда, самимий инсон, хам виждонли, истеъдодли санъаткор сифатида намоён этганлиги билан жозибадор. Кизик, янги замон ўзгаришларини кийинчилик билан кабул килаётган Махкам, романда каламга олинган шароитга осонлик билан мослашиб “бозор даври” одамига айланаб олган кимсаларга караганда калбимизга якин, мустакил Ватаннинг чин, самимий ўглони сифатида таассурот колдиради.

Адиб романнинг иккинчи китобидан айрим бобларни эълон этди, афсуски, у охирига етмай колди. Аммо журналда эълон этилган биринчи китобнинг ўзиёқ “Динозавр” миллий адабиётимизда истиклол даври одамлари такдири, калб драмаларини роман кўзгусида ёркин акс эттирган илк етук асар сифатида кимматлидир, деб хукм чикаришга тўла асос беради.

“Динозавр” олдидан Шукур Холмирзаев калбидаги кечган руҳий жараёнга якин холатни кейинги авлод романнависи Улугбек Хамдамда хам кузатиш мумкин. Буни муаллифнинг 1994-1997 йиллар оралигига когозга туширган автобиографик характердаги “Ёлгизлик” киссаси мисолида яккол кўрамиз. Анъанавий автобиографик киссалардан фаркли

ўларок “Ёлгизлик” одатдаги саргузашт асар эмас, балки айни кисса ёзилган кезлари муаллифнинг калбида кечган ўй-мушохадалар, изтироблар, колаверса, у муаллиф ижод психологияси биографиясидир. Дарҳакикат, кисса синчилаб мутолаа килинса, кейинрок дунёга келган “Мувозанат”нинг режа, муаммо, мотив, образлари айни ўша кезлари муаллиф кўнглида шаклланганини пайкаш мумкин. Карангки, “Мувозанат” романи “Ёлгизлик” билан изма-из айни 1997 йили ёзилган.

Моҳият-эътибори билан роман эпик жанрга мансуб эканини хис этган муаллиф “Мувозанат”да “Ёлгизлик”даги субъектив “дил изҳори” усулини кўйиб, ўзини ходисалардан четга олиб, объектив, холис ифода йўлидан, янада аникрок килиб айтадиган бўлсак, жараённи роман кўзгусида гавдалантириш йўлидан боради.

“Динозавр”да бўлгани каби бош қаҳрамон Юсуфнинг хам шахар, хам кишлок одами экани “Мувозанат”нинг ифода доирасини кенгайтиради, кишлок ва шахар хаётида, хилма-хил одамлар сийратида кечаётган силсилаларни ифодалаш имконини беради. Бугина эмас, Юсуфнинг ёш тарихчи олим, олий ўкув юрти муалими, курсдош дўстларидан бири Сайднинг масъул раҳбар ҳодим, Миразимнинг эса савдо-тижорат, бизнес одами сифатида олининиши хаётнинг турли катламлари каърига кириб бориш учун йўл очади. Янги шароитида хам жамиятда, хам оиласидаги табакаланиш, факат талабалик кезлари бир майизни бўлиб еган кадрдан дўстлар даврасидагина эмас, бир оила одамлари: эр-хотин, ота-бона, aka-ука орасида ўта чигал, мураккаб муносабатларни келтириб чиқаради. Шу тарика жамиятдаги жараёнларнинг окибат-асоратлари персонажларнинг шахсий, оилавий-маиший турмушида хар кадамда баралла намоён бўла боради. Ўз навбатида асардаги хар бир тирик жонни кийнаган дарду ташвишларнинг илдизи жамият хаётида улкан бурилиш палласида содир бўлган силсилаларга бориб такалади. Айни шу холат – шахсий-оилавий-ижтимоий муносабатлар драмасининг уйғунлигидан романга мос улкан яхлит драма, колаверса, романга хос тафаккур – яхлит бадиий концепция вужудга келади. Яна бир муҳим жихат, асарда каламга олинган барча персонажлар тақдири, хатти-харакати билан боғлик ходисалар бош қаҳрамон кисмати билан кандайдир йўсинда туташади; булар Юсуфнинг ўз шахсий хаёт драмалари, орзу-интилишлари йўлида чеккан захматлари, топган ва йўқотганлари билан кўшилиб-туташиб даврнинг тирик тимсоли, романга хос қаҳрамон даражасига кўтаради. Баралла айтиш мумкинки, Юсуф романчилигимизда ўтиш даври деб аталган мураккаб тарихий жараённинг қаҳрамонидир. Муҳими, у кийин, чигал, аммо зарурий хаётий силсилалар тўзони орасидан эсон-омон ўтади. Хаёт синовларида тобланиб, ўзлигига, асл эътиқодига содик колади.

“Мувозанат” “Жаҳон адабиёти”да босилиш олдида хам, босилгандан кейин хам кизгин баҳс-мунозараларга асос бўлиб келди, у хакида хам танкидий, хам илик гаплар айтилди. Унга хорижда хам кизикиш катта. Чунончи, АҚШдаги Мичиган университети муалимаси Рейчл Харэл 2007 йил Марказий Евроосиё масалаларига багишлиган 8-халкаро анжуманнинг маданият шўъбасида ўқиган “Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари. Улугбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи воеаси” мавзусидаги маърузасида романда “кўнгил эҳтиёжи сифатида етилган мавзунинг жасорат билан акс эттирилганли”ги алоҳида таъкидланади. Бугина эмас, университетда унга багишлиган кўламли семинарлар ташкил этилади.

“Динозавр” ва “Мувозанат” каби Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романи хам айни ўша миллат тарихидаги улкан бурилиш, бозор иктисади муносабатларига ўтиш палласидаги миллат фарзандлари хаёти, кисмати, онг-шуури, калбида кечган мураккаб

зиддиятлар хакида бахс эди. Аммо юкоридаги икки асардан фаркли ўларок, “Бозор” бутунлай ўзгача услубий йўналишда битилган. Асар тили бошдан-оёқ рамзлар, метафоралар, имо-ишоралар асосига курилган. Бу тилни ўқимай, укмай туриб романни тушуниш, унинг туб моҳиятини англаш маҳол. Биргина асар номи – “бозор” сўзи таркибидан “бозор” тушунчасидан ташкари “ор”, “зор”, “озор” маъноларини кидиради муаллиф. Бутун бошли романда бунака рамзий ишоралар тўлиб-тошиб ётибди. Оддий китобхон уларнинг хаммаси моҳиятини англашга курби етмас, аммо асар багрида ловуллаб турган ёлкинни баралла кўриб, хис этиб туради. Бу романдаги икки жозибадор шахс – Фозилбек билан Кадрия калвидаги маёқдир. Асар воеалари, асосан, бир бозор ва унга ёндош кироатхонада кечади. Романда бозор – метафора, рамз, тимсол, хаётнинг ўзига хос бадиий модели. Муаллиф ибораси билан айтганда, “бозорнинг ўзи дунё”, одамларнинг ичини кўриш, томоша килиш борасида бозордан куляйрок жой йўқ дунёда. Бозор одамларнинг ич-ичини агдариб кўз-кўз киладиган “ажойибхона”, бунда хар бир бандасининг феълидаги зўравонлик, соддалигу мугамбирлик, лакмалигу уятчанлик – хаммаси бозорда ё пинхона, ё ошкора кўзга ташланади. Энг мухими, бозор – романда муаллиф учун жамият маънавиятидаги бугунги оғрикли жараёнларни тафтиш этишнинг куляй воситаси.

Романда бозор билан ёндош холда кироатхона тасвири хам бор. Бозор хамиша гавжум, жамики тумонот бозорда. Бозордагиларнинг барчаси нафс илинжида. Нафс балоси туфайли бозор ёнмокда, чўкмокда. Бозор ёнидаги кироатхона эса кимсасиз, хароб, хувиллаб ётибди... Хаёт хеч качон акли расолардан, фидойилардан холи колган эмас. Хамма ўзини бозорга ураётган, балки нафс кўйига мубтало бўлиб колган замонда, карангки, кок бозорнинг ичидан, бозор одамлари орасидан бир маънавият, маърифат фидойиси Фозилбек отилиб чикади, илохий тақдир уни кимсасиз хувиллаб ётган маскандаги яна бир маънавият фидойиси Кадрияга рўбарў килади... Бу икки ёш нафс балоси туфайли бозор ёнаётган, чўкаётган, нафс бандаларини олов каърига тортиб кетаётган бир замонда нажот йўлини кидирадилар. Улар бозорни халокатдан куткариш йўли маънавиятда деб биладилар. Фозилбек маслакдош севгилиси билан бирга бозор ўзгаришларини тушуниш, унинг тилини, хикматини ўрганиш, зулмат каърига чўкаётган бозорни маънавият, маърифат ёгдуси билан нурлантириш устида астойдил ўй суради, амалий харакатга ўтади. Ёзувчининг диккат-эътибори бозор манзаралари ва можароларининг бевосита ўзини эмас, персонаж онги, руҳиятидаги акс-садосини ифодалаш, бадиий тахлил этишга каратилади, бунда “онг окими” тажрибаларидан ижодий фойдаланади.

Кискаси, “Бозор” хам “Динозавр” ва “Мувозанат” каби ўтиш даврининг роман кўзгусидаги ўзига хос, бетакрор акси, оқил одамлар орасида, онгига кечаётган бахсу мунозараларнинг акс-садосидир. Асар ўзининг асосий пафоси билан мамлакатимизда карор топган иктисодиёт билан маънавиятни уйгунликда олиб боришдан иборат устувор гоя-концепцияга хамохангдир.

Биз сўз юритган романлар истиклолнинг дастлабки йиллари, ўтиш даври жараёнлари хакида бахс этади. Ўтиш даври аллакачон ортда колди. Кейинги йигирма йил давомида мамлакатимиз киёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги ўзбек бундан хатто ўн йил бурунги ўзбек эмас. Мамлакатимизда жаҳонни ларзага solaётган инкиrozга дош бера оладиган жамият, баркарор ўсишни таъминлаётган, жаҳон микёсида фикрлайдиган янги авлод шаклланди. Бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан осонликча содир бўлаётгани йўқ. Буларнинг барчаси замондошларнинг бетиним ўй-мушохада, акл-заковат, ижодий меҳнат ва

шижоати самарасидир. Мана шу мислсиз жараённинг ичида яшаётган, колаверса, шу жараённи яратाइтган одамлар хаёти, уларнинг яратиш захмати ва шавки, кечинмалари, орзу-интилишлари, армон-ўқинчлари энди яратилажак романларимиз кўзгусида муносиб аксини топишига ишонамиз.